

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ИСПАН ТИЛИ КОМПАРАТИВ  
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

Душаева У. Ю.

Ўз.ДЖТУ 2-курс таянч докторанти

**Аннотация:**

Ушбу мақолада Олам манзараси, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг концептуал манзараси каби тушунчалар испан тили компаратив фразеологик бирликларининг ифодаланиши ҳақида назарий ва амалий ёритилган. Олам манзараси бу субъектнинг атроф-олам, реал ёки ҳаёлий воқеликка оид билим ва фикр-мулоҳазалари мажмуидир. Илмий тасниф ва талқинлар негизида мужассам бўлган лисоний олам тўғрисидаги дастлабки билимлар айнан тилда турғун шакллар кўринишида сақланиб қолинган.

**Калит сўзлар:** семантик ассоциация, лисоний, когнитив-концептуал, тескари контраст, антифраза

**Ключевые слова:** семантическая ассоциация, языковая, когнитивно-концепция, обратный контраст, антифраза

**Аннотация:**

В данной статье теоретически и практически разъясняются такие понятия, как языковой картина мира, концептуальная картина мира, выражение сравнительных фразеологизмов испанского языка. Мировоззрение – это совокупность знаний и мнений субъекта об окружающем мире, реальной или воображаемой действительности. Исходное знание языкового мира, воплощенное на основе научной классификации и интерпретации, сохраняется в виде устойчивых форм в языке.

Илмий адабиётларда дунё образи ва олам модели терминлари ҳам учрайди, бироқ, улар кам тарқалган. Олам манзараси термини биринчи бор физика фанида Г.Герц томонидан қўлланилган. Таниқли олим ушбу тушунчани ташқи объектларнинг ички образлари йиғиндиси дейди, ҳамда улар ушбу образларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги мантиқий мулоҳазаларни шакллантиришга хизмат қилади, дея таъкидлайди[Қаранг: Бахранова 2021,56]. Д. Бахранова таъкидлашича, олам манзарасининг муҳим жиҳати унинг маъновий-мазмуний маркази нимадан иборат, бу манзара ниманинг атрофида қурилмоқда, деган саволларга жавоб топишдан иборат. Олам манзарасини тўлақонли ўрганишда жаҳон олимлари уни категорияларга бўлиб ўрганишни таклиф қиладилар: когнитив-концептуал, лисоний, илмий, фалсафий, маданий, диний, фольклор, мифологик ва ҳ.к. Нима учун, масалан, испан тил соҳибига яхши маълум бўлган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси орасида зерикаётган кишини характерлаш учун устрица

(еса бўладиган денгиз моллюсакаси): **me aburri como una ostra**,<sup>1</sup> ва нимага айнан **ajo** /саримсоқпиёз/ характернинг жиддийлик жиҳатининг рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади?

Адабий ва маданий тасаввурларни ҳамда жамият учун характерли бўлган анъаналарни акс эттирувчи сўзнинг семантик ассоциацияларини, унда қандайдир нарсаларни ва бошқа тилдан ташқари омилларнинг ишлатилиши тажрибасининг ҳукмронлигини кўплаб муаллифлар қайд қиладилар.<sup>2</sup> Мисол учун, Х. Касарес, аниқ маънодаги сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши ҳақида сўз юритиб, испан тилининг образли тизимида **lince** /силовсин/ ва **basilisco** /бир қараши барча жонзодни ўлдирадиган афсонавий махлук, аждаҳо/ образларини ўз ичига олган кўп сонли метафоралар мавжудлигини қайд қилади. Ҳолбуки, деб ёзади муаллиф, силовсин – унинг номидан фойдаланадиган, кўпчилик кишиларга маълум бўлмаган ҳайвон, бир қараши барча жонзодни ўлдирадиган афсонавий махлук, аждаҳо эса табиатда умуман мавжуд бўлмаган. “Айрим ҳолларни батафсил тадқиқ қилиш ҳинд-европа фольклорига бориб тақаладиган ва асосан зарбулмасал адабиёти орқали тарқалган кўп асрли анъаналарнинг таъсирини аниқлаши мумкин”.<sup>3</sup>Компаратив фразеологик бирликларнинг семантикасини ўрганишда “оламнинг лисоний манзарасини” қиёсий кўриб чиқиш муқаррардир. Халқнинг образли тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари мазмуни структурасининг ранг-баранглиги билан ажратиб турадиган кинояли ҳазил компаративли оборотларда айниқса кўп акс этадилар. Бундай компаратив бирликлар ўзига хосдир, уларда тил соҳибининг характери, тасаввурнинг бойлиги, кутилмаган ва ноодатий образларни яратишга мойиллиг пайдо бўлади: **como rodete de vieja** /сўзма-сўз – кампирнинг турмаги каби/ - жуда оз, зиғирдай, жуда кичкина, тарикдай, жиндай; **tener mas lamparas que una catedral** / сўзма-сўз – черковдан кўра кўпроқ чироққа эга бўлмоқ/ - мўри тозаловчи каби (қир, ўта ифлос кийим ҳақида); **mas largo que la esperanza de un pobre** /сўзма-сўз – камбағалнинг умидидан ҳам узунроқ/ - жуда новча (дароз) одам, охират тарнови каби, синч, ходача, таёқ каби; **como la ele y la i** / сўзма-сўз – **L** ва **i** каби/ - Пат ва Паташон каби; **como tirabuzones** /сўзма-сўз – очқич каби/ - бурни узун одам ҳақида; **como la dama de la media almendra**/сўз ма-сўз – кўп эркаланувчи аёл/ - атрофидагиларнинг кулгисини қистовчи ноз-карашмали аёл ҳақида;

<sup>1</sup>Т. Сальвадор бу ҳақида шундай деб ёзади: «Lo que ya no esta muy claro es porque se mete a las ostras en el asunto... La vida de las ostras, pegadas a las rocas en el fondo del mar, no es precisamente un dechado de actividad; pero que nosotros sepamos, nunca se han quejado. Seguramente viene por la similitud del bostezo a boca abierta, con las valvas cefalopeas en la misma situacion». Cf.: T. Salvador. Diccionario de la real academia española. T. I. Barcelona, Real Academia Española, 2011. p. 96.

<sup>2</sup>Апресян. Ю. Д. Современная лексическая семантика. I. Вопросы семантического описания. РЯНШ, 1995 №2; Касарес. Х. Кўрсатилган иш 119

<sup>3</sup> Касарес. Х. Кўрсатилган иш, 127-бет.

**como la dama de los veinte novios** / сўзма-сўз – йигирмата қаллиғи бор аёл каби/ - тез-тез қаллиғларини алмаштириб турадиган қиз ҳақида сўз боряпти; **como ristras de ajos** /сўзма-сўз – саримсоқпиез боғламидек/ - кўчада қўлларини бир-бирига чирмаштириб юривчи одамлар ҳақида шундай дейишади; **como el badajo de una campana** /сўзма-сўз – кўнғироқнинг тили каби/ - испан ўзи нима деяётганини тушунмайдиган сергап одамни шундай деб характерлайди. Кинояли бирлик тескари, одатда салбий хусусиятнинг мавжудлигини кўрсатади. Бундай компаратив бирликларда антифраза стилистик воситаси кенг тақдим қилинган. Айтилганнинг тескарисини кинояли таъқидлаб кўрсатиб, алоҳида жонлилик ва эмоционаллик бағишлайди, мулоҳазанинг экспрессивлигини оширади. Бундай бирликларда кулгили ёки тескари контрастга асосланган: **mas firme que una pena de salvado** /сўзма-сўз – кепак қоядан қаттиқроқ/ - хасдек (чўпдек, чилтондек) кучли; **mas fuerte que una vedija de algodón** /сўзма-сўз – пахта парчасидан кучлироқ/ - жуда ҳам кучсиз киши ҳақида; **mas ligero que el plomo** /сўзма-сўз – кўрғошиндан енгилроқ/ - кўрғошин каби енгил; **tan amigos como Dios y el diablo** /сўзма-сўз – худди худо билан шайтондек дўстлар/ - ит-мушукдек апоқ-чапоқ; **abundar como golondrinas en invierno** /сўзма-сўз – қишдаги қалдирғочлардек тўлиб-тошиб ётмоқ/ - ҳеч нарса йўқ, шип-шийдам, бўм-бўш, қуп-куруқ; **quererle como a un dolor de tripas** /сўзма-сўз – кимнидир қориндаги оғриқдек яхши кўрмоқ/ - тиш оғриғидек яхши кўрмоқ, ит калтакни яхши кўрганидек; **nadar como un pez de plomo** /сўзма-сўз – балиқ кўрғошиндан чикқандек сузмоқ/ - болта, дазмол каби сузмоқ; **hacer tanta falta como los perros en misa** /сўзма-сўз – ибодатда итлар каби зарур/- итнинг бешинчи оёғи каби, сўқир кўзга сурмадек (мутлақо фойда бермайдиган нарса ҳақида); **venir como pedrada en ojo de boticario** /сўзма-сўз – аптекачининг шкафига тош билан ургандек/ - жуда вақтида етиб келмоқ; жуда яқин келмоқ. Ушбу бирликнинг изтехзоли экспрессияси унинг мазмуний эквиваленти **venir como anillo al dedo** дан сезиларли даражада фарқ қилади. Иккала бирлик ҳам кўпинча кўчирма гапда ишлатилади ва инсонни, ташқи оламнинг предметларини ва мавҳум тушунчаларни образли характерлашга хизмат қилади.

### Хулоса:

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, олам манзарасида миллий-маданий манзаранинг аҳамияти катта. Миллий-маданий манзара халқнинг азалий одатлари, қадриятлари орқали вужудга келади. Бу манзара оламнинг лисоний манзарасини шакллантирувчи омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. T. Salvador. Diccionario de la real academia española. T. I. Barcelona, Real Academia Española, 2011. p. 96.
2. Апресян. Ю. Д. Современная лексическая семантика. I. Вопросы семантического описания. РЯНШ, 1995

3. Moliner M. Diccionario de uso del español (1, 2 tomos). Madrid, T. 1, Madrid, 2010, p. 688

4. Salvador T. Diccionario de la Real academia española. 1 tomo, Barcelona, 2011. p. 96

